

Президент Вашингтонга жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 апрель куни НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган саммитда иштирок этиш учун АҚШ пойтахти Вашингтонга жўнаб кетди. Сафар олдидан давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, бундай деди:

— НАТО таркибида бугунги кунда 16 та давлат бор. Вашингтонда бўладиган саммитда алянса яна уч мамлакат — Чехия, Польша ва Венгриянинг аъзо бўлгани расман эълон қилинади. НАТО иштирокчиларининг сони 19 тага етади. Айни пайтда бу иттифоққа қўшилишга интилиш жуда кучли. Шунинг учун бу саф яна ҳам кенгайиши мумкин. Ҳозир яна тўққиз давлат, жумладан, Болтиқбўйи мамлакатлари ҳам НАТОга аъзо бўлишга ҳаракат қилмоқда.

НАТО қошида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида 40 дан зиёд давлатдан иборат бирлашма ҳам бор. Улар, асосан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича биргаликда иш олиб боради. Унда Ўзбекистон ҳам иштирок этиб келяпти. Бироқ биз НАТОга аъзо бўлишни олдимизга мақсад қилиб қўймаганмиз. Буни халқимиз, жамоатчилигимиз билиб қўйиши учун айтаяпман. Президент Ўзбекистоннинг Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлиши учун Вашингтонга кетаяпти, деган фикрлар пайдо бўлмаслиги лозим. Умуман, биз бугунги кунда минтақамиздаги жўғрофийсиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий ва хавфсизлик масалаларига асосланган бирорта блокка киришни кўзлаётганимиз йўқ. Чунки бундай ҳаракат мавжуд мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун биз Тожикистонда Россия ҳарбий базасининг жойлаштирилиши масаласига ҳам қарши чиқдик. Чунки тинчликни таъминлаб турган мувозанатни бузиш осон, уни эски ҳолатига қайтариш, тиклаш эса қийин бўлади.

НАТОнинг ҳозирги таркибига эътибор қаратилса, унга аъзо давлатларнинг барчаси иқтисодий жиҳатдан қудратли, узоқ йиллик умуминсоний қадриятларга эга, ҳаёт даражаси юқори ва демократия борасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган мамлакатлар эканини кўрамиз. НАТОни Югославияда уруш бошлаганликда, босқинчиликда айблаётганлар кимлар экани сир эмас. Маълумки, Югославия ҳукумати Косовода яшайдиган мусулмонларга тазйиқ ўтказиб, Косово албанларини ўз тупроғидан сиқиб чиқариш сиёсатини олиб бормоқда. Косово халқи билан тинч-тотув яшаш ўрнига, 1989 йилда уларнинг мухторият мақомини бекор қилди. Яъни, косоволик албанларга нисбатан ўтказилаётган қатағон кеча бошланган йўқ, балки у ўн йиллик тарихга эга. Можаронинг сабаби ҳам ана шунда. Бундай келишмовчиликлар ҳеч қачон бир давлат ҳудуди билан чегараланиб қолмайди. Унинг портлаши, чегарадан чиқиб кетиши, албатта, табиий ҳол. Югославия Президенти Слободан Милошевич НАТО талабларини бажарса, вазият яна изига тушиши мумкин. Бу талаблар Косоводаги албанларга тазйиқ ўтказиш ва уларни қатағон қилишни тўхтатиш, серб ҳарбий кучларини ўлкадан олиб чиқиш, косоволик қочқинларнинг ўз уйларига қайтиши учун имкон яратиш, халқаро тинчликни сақлаш кучларининг минтақага киритилишини таъминлашдан иборат.

НАТО демократик давлатларни бирлаштирувчи, уларнинг бошини қовуштирувчи, Европада хавфсизлик ва тинчликни сақловчи, аъзо мамлакатларни ҳимоя қилишга кафолат берадиган ташкилотдир. Шимолий Атлантика блокидаги барча давлатларнинг, у хоҳ кичик бўлсин, хоҳ катта бўлсин, ҳуқуқи бир хил. Қарор қабул қилишда уларнинг бирортасига нисбатан тазйиқ ўтказилмайди. Яъни барча муносабатлар демократик асосда ташкил этилган. Бу жиҳат, масалан, МДҲ доирасидаги тартиблардан фарқ қилади. Айримлар НАТО босиб келмоқда, деб айюҳаннос солмоқда. Бироқ Европадаги ҳозирги вазиятни инобатга олиб айтингчи, улар урушни хоҳлайдими? Тинч ва барқарор яшаётган бу минтақа давлатларига уруш сира ҳам керак эмас. Улар фақат ўз хавфсизлигини ўйлайди, холос. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, НАТО ҳақида аниқ гапларни айтиш керак. Бугунги кунда бу ташкилотга киришни истаётганлар сони кўпаймоқда. Агар НАТОга аъзо бўлиш уларга хавф туғдирганда эди, бунчалик интилишлар бўлмас эди.

Қисқача айтганда, НАТО кимларгадир хавфли бўлиб кўринади. Аммо бизнинг назаримизда алянс сафидаги демократик давлатлар ва умуман, умуминсоний қадриятларни юксак даражага кўтаришни мақсад қилган мамлакатлар ҳеч қачон бошқаларга хавф етказиши мумкин эмас. Улар, аввалламбор, ўзи ва бошқаларнинг тинчлигини сақлаш учун бирлашмоқда.

Албатта, Ўзбекистон делегациясининг Вашингтонга боришидан мақсад фақат НАТО саммитида иштирок этиш эмас. АҚШ раҳбарлари билан учрашишни ҳам режалаштирганмиз. Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки раҳбарлари билан ҳам мулоқот ўтказишни мўлжаллаганмиз. АҚШ Сенати Буюк ипак йўли бўйича қонун қабул қилишга ҳаракат қилмоқда. Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакат раҳбарларининг шу қонун бўйича фикрини билиш борасида мулоқот ўтказилади.

Маълумки, Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлатлари иштирокида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тузилган. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида мазкур давлатлар раҳбарлари билан учрашиб, мамлакатимизнинг мана шу ташкилотга аъзо бўлишини таъминлайдиган ҳужжатга қўл қўйишни режалаштирганмиз. Бу эса Ўзбекистоннинг Қора денгизга чиқиши ва транспорт коммуникацияси ривожида муҳим аҳамиятга эгадир. Умуман, мазкур сафардан кўзланган мақсадлар тинчлик-осойишталикни сақлаш, жаҳондаги илғор демократик давлатлар билан дўстликни мустаҳкамлаш ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Пойтахт аэропортида Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА)

Суратда: Тошкент аэропортида кузатиш пайти.

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 24 апрель, шанба • № 49 (24.444).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Биз қандай жамият ва давлат қураяпмиз?»

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти фаолларининг мулоқоти ана шу мавзуга бағишланди

Темурийлар тарихи Давлат музейининг чароғон зали одамлар билан лиқ тўла: зиёлилар, таниқли олимлар, файласуфлар, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти, олий ўқув юртлари вакиллари, ҳуқуқшунослар, прокуратура, адлия ходимлари, сиёсатшунослар ва бошқалар давра суҳбатига тўпландилар.

Унда Олий Мажлиснинг XIV сессиясида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаси ва сессия материаллари асосида ўзаро фикр алмашилди. Асосий эътибор юртбошимизнинг: «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими диққат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим?» деган саволларига жавобан Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти аъзоларининг қандай амалий ишлар билан изланаётганликлари хусусида борди.

Маълумки, юртбошимизнинг китоб ҳолида нашр этилган «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маърузаси олий ўқув юртларида дарс соатларига киритилиб, маҳаллалар ва муассаса-ташкилотларда — ҳамма жойда кенг ўрганилмоқда. Ҳар бир соҳа вакиллари ундан ўзлари учун тегишли сабоқ ва катта маънавий озуқа олмоқдалар.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти раиси, профессор Иномжон Раҳимов жумладан, шундай деди:

— Дунёни ўрганиш одамнинг ўз ички дунёсини, маънавий олами ва қалбини ўрганишдан бошланади. Буни Ғарб олимлари ҳам эътироф этмоқдалар. Файласуфларимизнинг ана шундан келиб чиқиб амалга оширадиган ишлари, изланишлари ҳақида фикр юритмоқчимиз... Бунга, ўйлайманки, салоҳиятимиз ҳам, кучимиз ҳам етади.

ТошДУ профессори Абдулла Аюпов:

— Президентимизнинг ҳамма китобларида биз қандай жамият ва давлат қураётганимиз ҳақида жавоб бор. Биз, файласуфлар эса кўпроқ бунинг йўллари ҳақида, файласуфлар миллий жамиятининг масъулияти ва ҳуқуқларини ошириш, мақомини кўтариш ҳақида ўйлашимиз даркор.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти раисининг ўринбосари, фалсафа фанлари доктори Бахтиёр Тўраевнинг фикри ҳам бунга ҳамоҳанг:

— Олий Мажлис XIV сессиясида нодавлат ташкилотларини ривожлантириш ҳақида сўз юритилди. Бизнинг файласуфлар жамиятимиз ҳам унинг сирасига киради.

...Мулоқот қизигандан-қизиди. Фикрий танбалликка қарши фаол ҳаракат, олимларнинг ўз устларида кўпроқ ишлаши, бугунги жараёнларни теранлик билан таҳлил этиш, қисқаси, янгича тафаккур юритиш ҳақида жиддий сўз борди. Чунончи, баъзи бир дарсликларда қирқинчи йилларда нашр этилган дарсликдан кўчирмалар борлигини қандай баҳолаш мумкин? Умуман ҳозирги дарсликларнинг кўпчилиги яроқсиз экани-чи? Диплом ишларининг кўпи кўчирилган бўлиб чиқиши-чи? Биз кейинги авлодга қандай миллий ғояларни, ибрат бўладиган қандай меросни қолдирмоқчимиз? Тўғри, фалсафа қонуниятларини ўзгартириб бўлмайди, аммо халқимиз менталитетидан келиб чиқиб, ўз миллий фалсафамизни яратиш вақти келмадими?!

Таклиф-истаклар оз эмас эди.

Саидмурод Мамашокиров — Тошкент автомобиль ва йўллар институти фалсафа ва сиёсатшунослик кафедраси мудири:

— Биз миллий фалсафамизнинг аҳамияти ҳақида ҳам ўйлашимиз лозим.

Абдуқодир Зоҳидий — ТошДУ доценти:

— Олий ўқув юртларининг кўпчилигида таълим тизими ҳозирги талаблар даражасида эмас. У жиддий ислоҳотга муҳтож.

Саъдулла Отамуротов — Тошкент кимё-технология институти ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор:

— Сиёсатшунос (политолог)лар уюшмасини тузиш вақти келди!

Мазкур давра суҳбатини бошлаб берган ва якунлаган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, сиёсатшунослик фанлари номзоди Нарзулла Жўраев бу таклифни маъқуллаб, «Ғоялар уюшмаси»ни ҳам тузиш зарурлигини айтди. Шунда турли уюшмалар, жамиятлар ўз ҳолича эмас, биргалашиб, Ватанимизнинг XXI аср ва келгуси минг йилликка арзигулик улкан илмий-амалий режаларни тузиш ва рўёбга чиқариш салоҳиятига эга бўладилар. Мулоқот сўнггида у Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти фаолларига қимматли фикр ва мулоҳаза-таклифлари учун миннатдорлик билдирди.

Давра суҳбатидан репортаж

Ҳамид ИКРОМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Маърифатпарварлар жамияти тузилди

Тошкентда Маърифатпарварлар жамиятининг таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, олимлар, адиблар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев олиб борди.

Сўзга чиққанлар янги жамият миллий истиқлол ғояларини теран англовчи, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли маънавий-маърифий ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи, юрт равнақи йўлида жонбозлик кўрсатувчи инсонларни бирлаштирадиган, мустақил нодавлат ва нотижорат жамоат ташкилоти бўлиши лозимлигини таъкидладилар. Жамиятнинг асосий мақсади одамлар маърифий-маданий даражасини юксалтириш, миллий мафкурамизга зид ғояларга қарши маърифат билан курашиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган, замонавий дунёқараш ва билимга эга ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, улуғ маърифатпарвар аждодларимизнинг таълим-тарбия соҳасидаги илғор тажрибаларини давом эттириш, таълим тизимидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга ҳисса қўшишдан иборатдир.

Маълумки, миллат маърифати ва маданиятини миллий заминда тараққий эттириш учун она тили, эркин матбуот, ўзбек адабиёти, миллий театр ва санъатга Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби жадидчилик ҳаракатининг кўплаб намояндалари улкан эътибор берганлар. Бир неча минг йиллик маданиятимиз тарихидаги маърифий ёдгорликлар ва ахлоқ-одобга оид анъаналарни ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш, улардаги замонамизга мос келадиган жиҳатларни мамлакатимиздаги кенг кўламли маърифий ислоҳотларда фойдаланиш эндиликда жуда-жуда зарур. Шу маънода Маърифатпарварлар жамияти олдига қўйилаётган вазифалар ниҳоятда залворли ва долзарбдир. Айтиш мумкинки, мазкур жамият асримиз бошларидаги жадидчилик ҳаракатининг вориси ва давомчиси сифатида юксак маърифат, маданият учун, чинакам замонавий, маърифатли кадрлар тайёрлаш учун фидойиларча курашмоғи лозим.

Таъсис мажлисида жамиятнинг Низоми тасдиқланди. Таниқли олим, филология фанлари доктори Наим Каримов Маърифатпарварлар жамиятининг раиси этиб сайланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев, Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

Ўктам ДЎСТЁР, ЎзА мухбири

Деҳқон боласи Америка академиги!

Эътироф

Янгиқўрғонликлар азалдан деҳқончиликда миришкор. Шу ерда бир сирни очайин: неча йиллардан буён олтиариқнинг белини бақувват, тилини узун, шарафини юқори тутиб келаётган бодринг илгарилари фақат шу Янгиқўрғон қишлоғининг Лайлакхона маҳалласида етиштириларди. Кексалар қадимда бутун Олтиариқ аҳли баҳорда бодринг сайли қилиб Лайлакхонага боришганларини эслашади. Бодринг экиш тажрибаси Олтиариққа шу қишлоқдан ёйилган. Одилжон эса тизза бўйи тупроқни ялангоёқ кечиб, мол боқиб, далага отланганда нон халтасига дарслигини ҳам солиб юрадиган шу қишлоқлик бола, отаси Олимжон тоға ҳам, онаси Мўътабархон опа ҳам оддий деҳқон, дала-ю томорқада ишлаб етти болани ўстирган, қалби пок, меҳнаткаш қўли қадоқ инсонлар эдилар.

Одилжон Иброҳимов олим сифатида Ўзбекистоннинг бош экини — ғўза парвариши, пахта ҳосилдорлигини оширишда уни жадал ўстириш, ҳосил тугиши муддатларини тезлатиш ва бу жараённи бошқариб бориш муаммолари билан шуғулланади. Унинг изланиш майдони — жазирама дала... Вилоятда Одилжон бормаган хўжалик, ер хусусияти билан танишмаган пахта майдони топилмаса керак. Ғўза парваришининг ўзига хос томонлари кўп. Масалан, ғўзанинг ҳосил тутишида ташқи муҳит омилларини олиб кўрайлик. Вилоятимизнинг ҳар бир туманида ва ҳатто ҳар бир хўжалигида тупроқ, сув шароитлари бирбиридан фарқланади. Масалан, водийнинг кафтида турган Қўқон гуруҳи туманлари Фарғона гуруҳи туманларига нисбатан ривожланиш даврида кўпроқ иссиқлик олади. Одилжон Иброҳимовнинг 1993 йили Ўзбекистон пахтачилик илмий тадқиқот институти ихтисослашган илмий кенгашида «Ташқи муҳит омиллари асосида ғўзанинг ҳосил тўплашини илмий асосда бошқариш» мавзусида ёқлаган докторлик диссертацияси бу соҳадаги энг мукаммал, энг чуқур илмий ишлардан саналади.

Олис Америкадан хушхабар келиши ҳам бежиз эмас. Иқтидорли, изланувчан олим Одилжон Иброҳимов Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланибди. Бу фарғоналик олимнинг кўп йиллик илмий ишлари, ўсимликшунослик фани тараққиётига қўшган улкан ҳиссасининг халқаро миқёсда эътироф этилишидир!

Ҳар биримиз соғиниб яшайдиган болалиги сертупроқ кўчаларда ўтган олимни бугун жаҳон тан олиб турибди. Ўйлаб қоламан, агар истиқлол бўлмаганида собиқ империянинг олис шаҳридаги бир олим шундай унвонга сазовор бўлармиди?

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мадлен ОЛБРАЙТ, АҚШ Давлат котиби:

НАТО бугун. Ташкилотнинг Ўзбекистон билан муносабатлари

Шимолий Атлантика Шартномаси ташкилоти — НАТО иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда урушни бошидан кечирган ва келгусида бундай фожиалар такрорланишининг олдини олиш истагида бўлган давлатлар томонидан ташкил этилган. НАТО шу қадар кўп қурбонлар билан қўлга киритилган озодликни ҳимоя қилишга қатъиятнинг, шунингдек, ожизлик тажовуз бошланишига олиб келишини, қудрат тинчликка олиб боришини англаб етишнинг тимсолидир. НАТО 23 апрелдан 25 апрелга қадар Вашингтонда ўтадиган саммит билан ўзининг эллик йиллигини нишонлайди, унда иккинчи жаҳон урушида бизга иттифоқчи бўлган ва ҳозир Тинчлик йўлида ҳамкорлик дастурининг иштирокчиси ҳисобланувчи Ўзбекистон ҳам қатнашади.

Ўтган қирқ йил давомида НАТОнинг қудрати ўтмишда жуда кўп даҳшатли воқеалар майдони бўлган Европанинг қоқ марказида можаро бошлашга уринишларни тийиб турувчи омил бўлиб хизмат қилди. Сўнгги ўн йиллик бошида совуқ уруш тугашида мазкур иттифоқнинг ҳиссаси бор. НАТО раҳбарлари эндиликда бир қанча янги вазифалар ва муаммоларга дуч келди. Президент Б. Клинтон ва унинг касбдошлари НАТОни янги вазифаларни бажаришга тайёрлаб, унга янги аъзоларни таклиф этиб, демократия вужудга келаётган янги минтақалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, шунингдек келажак стратегиясини ишлаб чиқиб, Иттифоқни янгилаш ва мустаҳкамлаш чораларини кўрди.

Ҳозирги вақтда совуқ урушдан кейинги даврда НАТО ўз маънавий қадриятлари ва манфаатларига нисбатан Косовода юзага келган таҳдидга қарши ҳаракат қилмоқда. Биз Косовода тинчлик ва адолат қарор топиши йўлида ҳаракат қилиб, НАТОни сақлаб туришдан асосий мақсад демократия, барқарорлик ва оддий инсоний ахлоқ-одобни ҳимоя қилиш эканини яна бир бор тасдиқламоқдамиз. Биз ўзимиз шоҳид бўлаётган даҳшатли азоб-уқубатлардан — қочқинларнинг узундан-узоқ сафини кўриб, совуққонлик билан қилинган оммавий хунрезлик оқибатида бедарак кетган ёки ҳалок бўлганларнинг яқинлари ва қариндош-уруғларининг фарёди ва оҳузорини эшитиб, қайғуга тушмоқдамиз ва ғазабланмоқдамиз. НАТО ҳаракатларини асло нотўғри тушунмаслик керак. Косовода серб кучлари қилаётган ваҳшийлик НАТО бомбардимонларининг натижаси эмас. Ана шу ваҳшийликнинг ўзи иттифоқни шундай ҳаракат қилишга мажбур этди.

Келинг, гап нимадалигини аниқлаб олайлик. Косово улкан тарихий аҳамиятга эга ва Европа келажагида ҳаётий муҳим ўрин тутиши лозим бўлган минтақанинг кичик бир қисмидир. Бу минтақа Европа, Осиё ва Яқин Шарқни бирлаштирувчи асосий робиталардан биридир. Биринчи жаҳон уруши Европа қитъасининг Жануби-шарқий қисмида бошланган, худди шу ерда иккинчи жаҳон урушининг катта жанглари ҳам бўлиб ўтган. Ҳозир бу минтақа «Ягона ва эркин Европа» деб аталмиш бошқотирмада етишмай турган ўта муҳим унсурлардан биридир.

Биз иттифоқ тадбирларини амалга ошириш зарурати пайдо бўлганда иттифоқчилар сифатида ҳамда янада барқарор, гуллаб-яшнаган ва қонунга бўйсунувчи дунё барпо этишда бир-биримизни қўллаб, дўстлар ва ҳамкорлар сифатида жисплашишимиз ва биргаликда ҳаракат қилишимиз лозим. Вашингтонда ўтадиган олий даражадаги учрашув НАТО ўзининг бутун минтақа бўйлаб ривожланаётган демократия билан муносабатларини қай даражада қадрлашини намойиш қилади.

НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида Ўзбекистон билан ривожланиб бораётган муносабатлари иттифоқнинг тинчлик, равнақ ва барқарорликка кўмаклашиш мақсадида ҳамкорликка интилаётганининг ёрқин ифодасидир. НАТО дастурларида иштирок этиш ҳарбийлар ўртасидаги алоқаларга, қуролли кучларни ислоҳ қилишга ва минтақалар ҳамкорлигига ҳам ёрдам бериши мумкин. НАТО ўзининг кўп қиррали фаолияти билан Ўзбекистонга янги аср бўсағасида тинчлик ва тараққиёт йўлидан бориш учун замин яратишга ёрдам беради.

Вашингтон учрашувида раҳбарларимиз НАТОнинг келгусида дуч келиниши мумкин бўлган турли хавф-хатарларни ҳисобга олиб, қайта кўриб чиқилган стратегик концепциясини эълон қилади. Улар НАТОга ҳарбий кучларни ривожлантириш мажбуриятини юклайди, бу кучлар НАТО вазифаларининг барчасини бажаришга қодир бўлади.

Иттифоқнинг бир ёки бир неча аъзосига қарши қаратилган бевосита тажовузни тўхтатиш қобилияти ҳам шу мажбуриятга киради. Бу эса ҳозирги вақтда Босния ва Косовода амалга оширилаётган операцияларга ўхшаш ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Уларнинг барчаси иттифоқ Европани ялпи мудофаа қилиш бўйича узоқ вақт тайёргарлик кўрган мақсадлардан кеча ва кундуз каби фарқ қилади.

Аввало, бундай ҳаракатлар ўз кўлами ва давомийлиги билан коллектив бўлиб ўз-ўзини мудофаа қилиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлардан фарқ қилади. Умид қилмоқ керакки, бундай ҳаракатлар кўп такрорланмайди. Бундай вазифалар шериклар билан ҳамкорликда ёки НАТОга аъзо бўлмаган бошқа давлатлар билан биргаликда бажарилиши мумкин.

Олий даражадаги учрашувда раҳбарларимиз учун Ўзбекистон билан ҳамкорлик каби ишларни янада юксак даражага кўтариш имконияти пайдо бўлади. Улар ҳамкорларнинг ташкилот миссияларини режалаштириш, қарор қабул қилиш ва ижро этишдаги иштироки қоидаларини кўриб чиқади. Шунингдек, раҳбарлар қуролли кучларни янгилаш режасини эълон қилади, ҳамкорлар бу кучларни келгусида НАТО бошчилигида амалга ошириладиган операциялар учун ажратади. Бунинг натижасида НАТО янада кенгроқ ҳарбий имкониятларга эга бўлади, ҳамкор давлатларнинг эса ҳарбий салоҳияти кучаяди. Натижада тинчлик ўрнатиш йўлида ҳамкорлар қудрати ҳисобига НАТОнинг қудрати бир неча баробар мустаҳкамланади.

НАТО ҳаракатлари ҳеч қачон бирор халққа қарши қаратилган эмас, унинг вазифаси босқинчиликка, терроррга ва тартибсизликка қарши курашдан иборатдир. Биз ўтмишдаги низоларнинг шаклу шамойилини ўзгартирадиган эмас, балки уларни ер юзидан бутунлай супуриб ташлайдиган келажакни барпо этмоқдамиз. Ҳозирги шароитда тақдир жўғрофий жойлашувга боғлиқ эмас. Халқлар ўз тақдирини ўзи ҳал қилади. Вашингтон саммитида НАТО раҳбарлари бу соҳада эришилган натижаларни маъқуллаб, иттифоқ эшиклари очиқлигини яна бир бор тасдиқлаш ниятида. Улар НАТОнинг бўлажак янги аъзоларини ташкилот мезонларига мос келадиган тарзда тайёрлашда ёрдам кўрсатишнинг аниқ режасини эълон қилади. Раҳбарлар НАТОга аъзо бўлишга интилаётган мамлакатларни уларнинг жўғрофий жойлашуви мавқеига қараб эмас, балки иттифоқ ишига қўшиши мумкин бўлган ҳиссасига қараб баҳо берилишига ишонтиришни кўзлаган.

Биз порлоқ келажакни барпо этиш учун миллий ва этник тафовутларига қарамай, биргаликда меҳнат қилаётган эркаклар ва аёлларнинг қобилиятига ишонишимизни яна бир карра тасдиқлаймиз. НАТО асосчилари эллик йил муқаддам Вашингтонда йиғилганда уларни мана шу ишонч руҳлантирган эди, ташкилот ҳозирги барча тадбирларида ҳам шу ишончга таянмоқда. НАТО ҳамкорлар билан биргаликда бутун минтақани қамраб оладиган ва Атлантиканинг иккала томонида болаларга эркинлик, хавфсизлик ва тинчлик шароитида ўсиб-улғайишлари ва кексайишларига имкон берадиган хавфсизлик тизимини ишлаб чиқиш ниятидадир.

ХДП: БПТда ҳисобот-сайловлар

Бир-бирига кўмакдош

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилояти ва шаҳар кенгашларининг ҳудудий ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтмоқда. Пастдарғом туманидаги Амир Темур номли маҳаллада турли миллат вакиллари яшайди. Бу ерда сиёсий-тарбиявий, маърифий-маданий ишлар яхши йўлга қўйилган. Шу боис, маҳалла барча соҳаларда туманда ҳар доим етакчи, пешқадам.

— 2 минг 116 нафар киши истиқомат қилаётган маҳаллада, — деди ҳисобот маърузасида котиб Орол Мавлонов, — ХДП бошланғич ташкилотининг 7 нафар аъзоси маҳалла фаоллари билан биргаликда бир-биримизга елкадош, кўмакдошмиз. Тўйларни кам чиқим, ортиқча дабдабасиз ўтказаяпмиз. Бу барчага маъқул. Чунки ёшлар тарбиясига ҳаммамиз масъулмиз. Айниқса, уларнинг ақидапарастликка берилиб кетишига ҳеч ҳам йўл қўймаслик ташкилотимиз диққат марказидадир.

Музокарада сўзга чиққан партия аъзолари Мукаррам Маманова, Абдувоҳид Имомов, Мавлуда Мансуровалар ташкилот ишида йўл қўйилган камчиликларни рўй-рост айтиш билан биргаликда уларни бартараф этиш бўйича ҳам ўз таклиф ва истакларини билдирдилар. Халқ таълими аълочиси, кекса педагог Орол Мавлонов ХДП бошланғич ташкилоти котиблигига қайта сайланди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Собир Қурбонов қатнашди ва сўзга чиқди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мурувват

Китоб туманида истиқомат қилаётган ногиронларга туман ҳокимлигининг ташаббуси билан 2 миллион 44 минг сўмга Ўзбекистон — Олмония қўшма корхонасида тайёрланган, ниҳоятда қулай ногиронлар аравачаси келтирилиб, ҳадя этилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўрмонлар — юрт кўрки

Сирдарё вилоятининг Гулистон ва Янгиер шаҳарлари оралиғидаги чўл ҳудудида «Янгиер» деб аталган янги ўрмончилик хўжалиги ташкил этилди. Шундай қилиб вилоятдаги ўрмон хўжаликлари сони 4 тага ошди. Янги хўжаликка салкам 700 гектар ер ажратилди. «Янгиер» ўрмончилари қисқа фурсат ичида 10 гектарга яқин янги тераксор барпо этдилар.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Таҳдидлар моҳиятини англаш сари

Таҳдид тушунчасининг умумижтимоий қонунияти мавжудлиги Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал асарида атрофлича асослаб берилган. Ўзбекистон миллий хавфсизлиги, барқарорлиги, тараққиёти ва мамлакатда ҳукм сураётган фуқаровий миллатлараро ҳамжиҳатликка бугун реал таҳдидлар мавжуд экан, бу муаммони чуқур ўрганиш, имкон даражасида уларнинг олдини олиш бўйича тегишли илмий ва амалий хулосалар ишлаб чиқиш давр талабига айланмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда: «Таҳдид тушунчаси: назария ва амалиёт» асарида муаллиф Шукритдин Пахрутдинов: Таҳдидлар турли-туман: ички ва ташқи, катта ва кичик, макон нуқтаи-назаридан эса узоқ ва яқин бўлиши мумкин, дейди. Қандай бўлишидан қатъи назар, уларга нисбатан бамайлихотирликка йўл қўйиш ёки уларни «саралаш» билан овора бўлиб вақтни бой бериш ҳоллари учраб турганлигини келтиради.

Муаллиф кўпгина демократик мамлакатларда олимлар ва мутахассислар инсоннинг маънавий дунёси билан боғлиқ омилларни ўрганишга катта аҳамият бераётганликларини таъкидлайди.

Тараққиёт даврида илмий тафаккурнинг ҳам янги асосда шаклланиши учун вужудга келган улкан имкониятлари фалсафий таҳлил қилинади. Глобал, минтақавий ва лоақал зиддиятлар тизимига эскича ёндашувдан воз кечилмаганлиги туфайли инсоният улкан миқёсли тўқнашувлардан узоқлашса-да, «кичик миқёс»ли можаролар ўпқонида азоб чекаётганлиги баён этилган.

Шу йил 16 февраль куни Тошкентда содир этилган қўпорувчилик, террорчилик ҳаракатлари туфайли мустақил юртимиз бошига тушган мусибат ҳар бир ватандошимиз қалбини ларзага солди. Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарининг кириш қисмида: «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деган даъватлари ҳамиша эътибор марказида туриши керак. Бу, албатта, Ўзбекистон халқини ҳушёрликка даъват қилади.

Рисоланинг «Экологик муаммо ҳам мамлакатимиз хавфсизлиги учун таҳдид» бўлимида муаллиф Ўрта Осиёда экологик хавфнинг ғоят хавфли зоналардан бири вужудга келганлигини баён этади. Экологик муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, оғир оқибатларини фалсафий таҳлил этар экан, уни ҳал қилишга яхлит, келишилгани ҳолда ёндашиш йўлларини чуқур таҳлил қилиб берган.

Шукритдин Пахрутдинов ўз рисоласида XXI аср бўсағасида зўрайиб кетаётган катта ва кичик миқёсдаги таҳдидларнинг ўзига хос томонларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этади ва улардан китобхон тегишли хулосалар чиқариб олади. Асарни ўқиш жараёнида яна шу нарса аён бўлдики, муаллиф мавзуга оид жуда кўп манбаларни ўрганиб чиққан ва уларга мурожаат қилган.

Анвархон АБДУСАМЕТОВ,
фалсафа фанлари доктори.
Турсунбой СУЛТОНОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Узукдаги кўз дейсиз уни

Ислоҳотлар йўлидан

Бугунги навқирон Навоий шаҳри серқуёш республикамиз истиқлоли, истиқболи боис янада яшарди. Мазкур шаҳардаги кўп қаватли иморатлар, бир-биридан бежирим маданият ва истироҳат боғлари, мутафаккир шоир Алишер Навоий орзу этган гўшалар билан уйғундир. Худди шу уйғунлик сабаб бу афсонавий шаҳар ҳассос шоир номи билан аталади.

Бугунги кунда Навоийда 84 миллат ва элатга мансуб 132 мингдан ортиқ аҳоли бир оғаинидек яшаб келмоқда. Мазкур афсонавий шаҳарни узукка қиёслашимизда ҳам ажиб бир маъно бор. Чунки, у накд Маликчўл саҳросида, бийдек Қизилқумда қад кўтарган. 50-йиллар охирида ташкилий-таркибий жиҳатдан Ўзбекистон харитасига кирган бу шаҳар ҳозир қирчиллама қирқ ёшдан ошди. Ана шу қарийб ярим асрга тенг давр ичида шаҳар афсонавийликдан тўлиқ замонавийликка ўтди. Бир пайтлари кон қидирувчиларию лойиҳачилар яшаган бу шаҳарда ҳозир 17 та энг йирик саноат корхоналари мавжуд. Бу корхоналар дунё билан бўйлашадиган маҳсулотларини жаҳон бозорига чиқарадиган бўлди. Бунга мисол қилиб Навоий конметаллургия комбинати, «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасини, «Электрокимё», машинасозлик, цемент заводларини кўрсатиш мумкин.

Биргина тоғ металлургия комбинатининг ўзи Навоийни Америка, Англия, Италия, Япония, Хитой, Франция, Испания каби ривожланган мамлакатларга танитди. Худди шу яқинлик сабаб «Ньюмонт», «Зариспак», «Агама» каби ҳамкорликдаги қўшма корхоналар юзага келди. Навоий олтини Лондон биржасида, «Зариспак» тақинчоқлари эса Франция заргарлик дўконларида сотиладиган бўлди. Навоийнинг қадоқланган цементининг эндиликда Туркия, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикаларида бозори чаққон.

... Бир сўз билан айтадиган бўлсак, Навоий шаҳри мустақиллик муштаклиги ўлароқ жаҳоннинг энг нуфузли фирма ва компаниялари, энг бадавлат сармоядорлари назарига тушди. Бу эса шаҳар иқтисодиёти, унинг келажаги учун асқотмоқда. Чет эл ҳамкорлиги туфайли дон маҳсулотлари корхонасида махсус ҳимоя мосламасига ўралган нон чиқариш, ўт талқонидан омухта ем тайёрлаш линиялари ишга тушди. Испанлар технологияси асосида 25-50 килограммлик қадоқланган цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу ва шунга ўхшаш ҳамкорликлар янада кенгаймоқда. Жумладан, Навоий «Гўштсаноат» бирлашмаси, ароқ-шароб заводида хориж технологияси асосида янги-янги цехлар ишга туширилмоқда.

Навоийни саноатчилар, кимёгарлар, нурчилар шаҳри дейишади. Бу, шубҳасиз, у ёки бу маҳсулот тури ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарининг ниҳоятда кўплигидандир. Бу корхоналарда 50 мингга яқин навоийликлар меҳнат қилишяпти. Тоғ-металлургия комбинати 100 га яқин ўғил-қиз тарбияланаётган шаҳар меҳрибонлик уйини тўлиқ таъмирлаб берди ҳамда «Дамас» автомашинасини совға қилди. «Агама» қўшма корхонаси эса тарбияланувчиларга бошдан оёқ сарпо кийгизди. «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида 25 та ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг хатна тўйи ўтказилди.

Кимёгарлар, кончилар шаҳрининг эртанги қиёфаси бундан-да кўркам, бундан-да обод бўлишига асло шубҳа йўқ!

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Хатлар, хатлар, хатлар

Мақоладан сўнг...

Ассалому алайкум, ҳурматли «Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси! Газетангизда чоп этилган журналист Абдужалил Умаров ва Норбобо Шакаровнинг «Суюнчисиз қолган қувончлар» сарлавҳали мақоласидаги 7 нафар фарзанднинг онаси **Хадича Набиева** бўламан. Мен фарзандимга суюнчи пули ва нафақа пули ололмаганим ҳақида сизларга шикоят йўллаганимдан сўнг, юқоридаги хат «Ўзбекистон овози»да эълон қилинган эди. Арзимга қулоқ тутувчи газета борлигидан қувондим. Матбуотнинг кучини қарангки, мақоладан сўнг мен фарзандим учун суюнчи ва нафақа пули олдим. Оиламиз билан сизларни дуо қилаяпмиз.

Қачон телевизор кўрамиз?

Сизларга ушбу хатни Яккабоғ туманининг Ҳисор жамоа хўжалигига қарашли Кўкжар қишлоғи аҳли номидан **Шерали Алимардонов, Баҳодир Маматов** ҳамда **Карим Муродов**лар йўллашмоқда.

Гапимизнинг мазмуни шундай: Бизнинг қишлоқдошлар умуман телевизор кўрмайди. Ишонмаслигингиз мумкин. Ахир, бирорта телеканалдан кўрсатмайдиган телевизорнинг оддий қутичадан нима фарқи бор? Қишлоғимизда телеминора қурилмаса бу масала ҳеч қачон ҳал бўлмайди.

Қишлоқда телеминора қуриш давлат лойиҳасига киритилган. Лойиҳа бажарилиши эса 1992 йилга мўлжалланганди. Хўш, шунча йилдан бери бу иш пайсалга солиндими, дерсиз? Мутасаддилар биздан 8-10 чақирим наридаги Гулдара қишлоғининг бузилган телеминорасини олиб келиб ўрнатишди.

Базўр республика телевидениесининг 1- дастурини кўрдик. Шуям майли эди... Бироқ уч кун ўтмай эски телеминора ишдан чиқди.

Хуллас, телевизор кўриш бизнинг қишлоқ аҳли пешонасига ёзилмаган кўринади.

Шоҳбекатми ёки...

Пойтахтимиз кундан-кунга чирой очмоқда. Зеро, шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларида содир бўлаётган айрим дилхира ишлар одамни ранжитади.

Ҳар куни эрталаб Амир Темур шоҳбекати ёнидан ўтаман. Бекат йўловчилар учун жуда қулай. Автобус кутиш учун кенг, пана жойлар, ўриндиқлар... Шоҳбекатдан Амир Темур метросига тушаверишда эса эни 2-2,5 метрли йўлакча мавжуд. Шу йўлакчанинг бир ярим метридан кўпроғини эса сомсапазлар, новвойлар, пистафуруш ва бошқалар эгаллаб олишган. Йўловчи ўтадиган пайтда автобуслар ҳам ўтади. Сомсапазларнинг сўзга чечанлиги йўловчини довдиратади. Шошаётган йўловчига ёки қарияларга хавф туғилиши табиий. Атроф писта пўчоғи, ҳар хил қоғозлардан ифлос. Фаррошлар меҳнатининг қадри йўқми?

Сал нарида эса тумонат одам... уй бозори экан. Даллолларнинг чакаги тинмайди. Баъзилари столстул қилиб олишган. Йўловчилар энди машиналар юрадиган йўлдан ўтишади. Қизиғи шундаки, гоҳида милиция ходимлари ҳам пистафурушлар олдида чақчақлашиб туришади. Ҳайронман — бу аҳволда қачон тартиб бўладию, қачон атроф-муҳофазасига эътибор қилинади.

Зулфия ҚЎЧҚОРОВА,
Ҳамза тумани

Миср — тарихан тараққиёт ва маданият бешиги

Диққат, мусобақа этади давом

Қадимий мисрликлар маданияти бундан 7 минг йил аввал пайдо бўлган бўлиб, шу кунгача ўзга халқлар маданиятига маълум даражада таъсир этиб келади.

Мисрда мавжуд фиръавн, юнон, рум ва копт қолаверса, ислом даврига оид сон-саноқсиз қадамжо ва зиёраттоҳлар бу қадимий ўлкани бамисоли улкан бир музей — юртга айлантирган. Шу боисдан ҳам сайёҳлик соҳасини Тангри таолонинг халқи меҳмондўст, тарихий ёдгорликлари беҳисоб, ҳавоси мўътадил Миср юртига берган улкан неъматларидан бири дейиш мумкин.

Мисрнинг диққатга сазовор сайёҳлик жойларига қилинажак сайру саёҳатларни шартли равишда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1 - Қадимий обидаларга зиёрат;

2 - Диний масканлар зиёрати;

3 - Мисрнинг замонавий зиёратгоҳларига саёҳат;

4 - Даволаниш масканларида бўлиш;

I - ҚАДИМИЙ ОБИДАЛАРГА ЗИЁРАТ

Бу зиёрат чоғида одатда қуйидаги обидалар билан танишилади.

ФИРЪАВНЛАР ДАВРИ ЁДГОРЛИКЛАРИ

а) Гиза аҳромлари:

Нил дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Гиза вилоятида, Қоҳира шаҳар марказидан 15 км узоқликда жойлашган уч улкан аҳром дунёдаги энг диққатга сазовор сайёҳлик масканларидан, айни чоғда улар дунёдаги етти мўъжизадан бири ҳисобланади.

Ҳуфу (Хэопс) аҳроми бу ердаги энг катта аҳром. Унинг баландлиги 137 метр бўлиб, асоси 13 феддан (тахминан 6,5 га) жойни ишғол этади. У 2,300000 йирик тош бўлакларидан иборат бўлиб, ҳар бир тошнинг оғирлиги 2,5 тоннадан 15 тоннагача етади.

Ҳафра (Хефрин) аҳроми эса бу ердаги катталикда 2-аҳром бўлиб, унинг баландлиги тахминан 135 метр, учбурчак шаклдаги томонларининг ҳар бирининг узунлиги 212 метрга тенг.

Мақра (Менкаура) аҳромига келсак, унинг баландлиги 61,5 метр, учбурчак шаклдаги томонларининг ҳар бирининг узунлиги эса 108 метрдир.

«Сфинкс» — «Абу-л-Ҳавл»-«Кўрқинч отаси» номи билан машҳур ҳайкал аслида ўз вақтида мақбара ҳисобланган учта аҳромни қўриқлаш учун бунёд этилган. Зеро, ўзларига аҳром — мақбара қурдирган фиръавнлар ҳаётга яна қайтиб келамиз, деб ўйлаб, аҳромотлар ичига қимматбаҳо ва нафис маъдан буюмлар қўйдирганлар. Гавдаси шерникига, боши одамникига ўхшатиб ишланган бу ҳайкал атрофга қўрқинч ёғдириб турган қўриқчидан ташқари ҳикмат ва ҳокимлик рамзи ҳамдир.

б) Саққора ёдгорликлари

Улар қадимий Миср пойтахти «Мемфис»да жойлашган Бу ерлар тарихий обидаларга бой. Улардан энг машҳури зинапоя шаклидаги Саққора аҳромидир. У машҳур меъмор Имхотеп томонидан фиръавн Жосер (Зусер) учун мақбара сифатида яратилган ва 6 поғонадан иборат, унинг баландлиги 60, узунлиги эса 240 метрни ташкил этади.

в) Дахшур минтақаси ёдгорликлари

Улар Саққорадан 10 км.ча жанубдаги бир қанча аҳромлар мажмуасидан иборат. Улардан энг улкан ва аҳамиятлиси Дахшур аҳроми бўлиб, унинг баландлиги 90 метр, ундан кейинги ўринларни Санфару (Санхкара) ва Санусерт аҳромлари эгаллайди.

г) Луқсор ёдгорликлари

Қоҳирадан жанубда, юқори Миср жойлашган Луқсор шаҳри бутун дунёдаги тарихий ёдгорликларнинг олтидан бир қисмини ўзида жамлаган. У ҳайратомуз сайёҳлик зиёратгоҳлари сони ва аҳамияти жиҳатдан мамлакатда биринчи ўринда туради. Луқсор ўзининг қуёшли, илиқ қиши билан ҳам бошқа шаҳарлардан фарқ қилади.

Луқсорнинг энг муҳим ёдгорликларига келсак, улар қуйидагилардир.

— ***Луқсор ибодатхонаси.*** У Мисрдаги энг улкан ибодатхоналардан бири ҳисобланади.

Ал-Карнак ибодатхонаси эса Луқсордаги энг катта ибодатхона бўлиб, у 62 феддан (33 га.) ерни эгаллайди. У Илоҳ Омун аҳромини ҳам ўз ичига олади. Ал-Карнак ибодатхонасининг ичида муқаддас кўл ва кишини ҳайратга соладиган бир қанча ҳайкаллар мавжуд.

— Подшоҳлар водийси

У Луқсор шаҳрида, Нил дарёсининг ғарбий қисмида жойлашган. Унинг бағрида ўтмиш подшоҳларининг мақбаралари бор. Ноёб бойликларни ўз ичига олган Тутанхамон мақбараси, малика Нпфертари мақбараси шулар жумласидандир. Шунингдек, Луқсорда малика Хатшибсутнинг Дейр-ал-Баҳри ибодатхоналари ва Рамзес учинчи ва Ар-Рамсиум ибодатхоналари ҳам қад ростлаган.

д) Асвон ёдгорликлари

Мисрнинг жанубида, Нил дарёсининг ғарбида жойлашган Асвон шаҳри дунёдаги қишда дам олинадиган энг чиройли масканлардан ҳисобланади. У ерда бир қанча тарихий ёдгорликлар ҳам бор. Улардан бири Абу Сумбул ибодатхоналаридир. Азал-азалдан бу ерда ҳар йили икки марта ажойиб байрам тантаналари бўлиб ўтади. Фиръавнлар даврида унга «Қуёш байрами» деб ном берганлар. Бу тантаналарга йиғилганлар меъморчилик тарихида мисли кўрилмаган астрономик воқеанинг шоҳиди бўладилар. Мисрликлар Рамзес II ибодатхонасини ўта аниқлик билан қурганликлари боис қуёш нури Рамзес II ҳайкали юзига бир йилда икки марта, 30 дақиқа давомидагина тушиб ўтади. Биринчи марта қуёш нурлари Рамзес II чеҳрасини у туғилган куни ёритса, иккинчи марта у подшоҳлик тожини кийган кунидагина ёритиб ўтади. Бу ноёб ҳодисани кўриш учун ҳар йили дунёнинг турли бурчакларидан минглаб сайёҳлар Абу Сумбул томон оқиб келадилар ва ҳар гал бу ҳодисадан ҳайратланиб ёқа тутадилар, ўтмишдагилар ақл-заковати ва меъморчилик санъатига тасаннолар айтадилар.

Асвон шаҳридаги фиръавн даврига оид тарихий ибодатхоналар ва ноёб ўсимликлар қўриқхонаси ҳисобланмиш «Ал-Финтин» ороли ҳам бу ерга ташриф буюрган сайёҳларни асло бефарқ қолдирмайди.

е) Искандария шаҳридаги рум ва юнон ёдгорликлари

Искандария шаҳри Қоҳиранинг шимоли-ғарбида, мамлакат пойтахтидан 210 км узоқликда, Ўрта Ер денгизи қирғоғида жойлашган. Бу шаҳар дунё миқёсида донг таратган дам олиш жойи бўлиб, уни «Ўрта ер денгизи келинчаги» деб ҳам атайдилар. Шаҳарда рум ва юнон маданиятига оид бир қатор тарихий ёдгорликлар бор. Чунончи юнон томошагоҳи, «Қора бош» ибодатхонаси ва суворийлар тимсоли акс эттирилган устунлар шулар жумласидандир.

ДИНИЙ МАСКАНЛАР ЗИЁРАТИ

а) Масиҳий (Христиан) динига оид ёдгорликлар

Мисрдаги масиҳий динига оид ёдгорликлар ва тарихий обидалар асосан Мисрнинг қадимий қисмида жойлашган. Бу ерлар Биби Марям ва унинг фарзанди Исо пайғамбардан иборат «муқаддас оила» Фаластиннинг римлик ҳокими дастидан қочиб Мисрга қилган сафари чоғида улар қадами теккан табаррук замин ҳам ҳисобланади. Қоҳирада қуйидаги масиҳий черковлар мавжуд:

Муаллақ черков. У мелодий 5 аср бошида қурилган. Черковнинг бу ном билан аталишига сабаб, у Бобил қалъасининг жанубий қисмидаги баланд минорага ўрнатилганидир. Унда Исо пайғамбарнинг Қуддус шаҳрига ғолибона кириб бораётгани тасвири ёғочга ўйиб ишланган лавҳа-тасвир ҳам бор.

Авлиё Серга черковига келсак, у мелодий 4 асрда бунёд этилган, унда Исо пайғамбар ўз шогирдлари билан туширилган тасвирли 12 устун мавжуд.

Биби Марям черковида эса ноёб асар намунаси ҳисобланмиш тарихий никоҳ хонаси бор.

Варвара черкови. У мамлакатдаги энг чиройли черковлардан бири ҳисобланади. Бу черков ўз динидан чиқиб масиҳий динига кирганлиги учун ўз отаси томонидан ўлдирилган Варвара исмли қизга атаб қурилган.

Биби Марям дарахти. Бу дарахт Қоҳиранинг Ал-Митрия районида ўсади. Унинг ёши 2000 ларда, лекин шунга қарамай бу дарахт доимо ям-яшил ҳолда яшнаб туради. Айтилишича, Биби Марям ва унинг ўғли Исо пайғамбардан иборат «муқаддас оила» Мисрга сафари чоғида унинг соясида дам олишган.

Мазкур черковлардан ташқари Мисрда бир қатор тарихий монастирлар ҳам бор. Уларга Сухог вилоятидаги Авлиё Антонио, Синай жанубидаги Сант Катрин, ғарбий саҳро минтақасидаги Антрон монастирлари киради.

б) Ислом динига оид қадимий ёдгорликлар ва обидалар.

Миср 640 мелодий йили мўминлар амири Амр ибн ал-Ос томонидан забт этилган. Мамлакатнинг собиқ пойтахтлари Ал- Фустот, Ал-Қатоъий, Ал-Аскар бўлган. Сўнгра Қоҳира шаҳрига асос солинган. Қоҳира ҳозирги кунга келиб дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бирига айланган. Уни «минг минора шаҳри» деб ҳам юритишади. Чунки у тахминан ана шунча масжидни ўз бағрига олган ягона исломий пойтахтдир. Мисрдаги Ислом тарихий ёдгорликлари ўзининг ноёб меъморий услублари ва бетакрор безаклари билан ажралиб туради. Ислом меъморчилик санъати бизга ажойиб масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, қалъа ва миноралар, йўллар, суғориш каналлари, сув дамбалари сифатида етиб келган. Бу иншоотлар ўтмиш асрлар маданиятидан тубдан фарқ қилади. Зеро, у ислом маданиятигагина хос меъморчилик санъатининг ноёб асарларидир. Улардан баъзиларини сизларга таништириб ўтамиз.

Ал-Азҳар масжиди шарифи. Бу масжид Фотимийлар даври меъморчилик санъати дурдоналаридан бири бўлиб, унга Фотимий Ал-Муиз Лидиниллаҳнинг машҳур лашкарбошиси Жавҳар Ас-Сақлий томонидан 970 мелодий йилида асос солинган. Бу масжид Ҳазрат Расуллуллоҳ (САВ)нинг қизлари Саййида Фотима Аз-Заҳро номларига нисбат берилган ҳолда шундай аталган. Қурилганига минг йилдан ошган бу масжид Ислом оламидаги энг қадимий масжидлардан ҳисобланади. Бу илм масканида жуда қадим замонлардан бери мағрибу машриқдан келган кўплаб талабалар илм оладилар. Ўша даврлардаёқ халифалар ўқитиш ишлари учун махсус маблағлар ажратганлар. Ҳозирги кунларда ҳам бу қўҳна илм масканида диний фанлар билан бир қаторда табобат, доришунослик, қишлоқ хўжалиги, турли тиллар ҳамда аниқ фанлардан таҳсил олган толиби илмлар учун барча шароитлар яратиш мақсадида катта сарф-харажатлар қилинади.

«Ал-Азҳар» масжидида 11000 нусхадан ортиқ нодир қўлёзма ва 70000 жилддан ортиқ босма китобларга эга йирик кутубхона фаолият кўрсатади.

Ал-Ҳусейн масжиди. У Ҳалифа Зофир Биамрилло ҳалифалик чоғида 549-ҳижрий — 1154 милодий йилда қурилган. Масжидда турли рангларда, тилла суви юритилган нақшинкор безаклар билан зеб берилган ўйма ёғоч минбар бор.

Масжиднинг умумий майдони 3340 кв.метрдир.

Ибн Тулун масжиди. У Мисрдаги қадимийликда учинчи ўринда турадиган масжид бўлиб, уни Аббосийлар ҳалифалиги даврида Миср ҳокими Аҳмад Бин Тулун 878 мелодий йили бунёд эттирган.

Масжид Нил дарёси тошқинидан зарар кўрмаслиги учун баланд тепалик устига қурилган. Уни Мисрнинг уч собиқ пойтахтлари — Ал-Фустат, Ал-Аскар, Ал-Қатоъий ўраб туради. Бу масжид янги меъморчилик санъатига хос бўлиб, у ўзининг ташқи зинапояли минораси, бой безаклари, ўзига хос деворлари, эшик ва деразалари, ҳатто томи билан ҳам бошқа масжидлардан ажралиб туради.

Амру бин ал-Ос масжиди. У Мисрнинг қадимий пойтахти ал-Фустатда қурилган биринчи бинодир. Кейинчалик унда ҳам ҳамма масжидларда учрайдиган мезана қад ростлаган. Бу ерда яна турли даврларда бунёд этилган бир қатор қадимий масжидлар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўз асрининг руҳи ва тарихини ифода этади. Буларга қалъадаги Ар-Рифаъи масжиди, султон Ҳусайин масжиди, Муҳаммад Али масжиди, Қоҳирани кузатиб туриш учун мамлукларнинг машҳур султони Салоҳиддин Айюбий қурдирган Салоҳиддин қалъаси киради. Бу қалъа ичида турли асрларда қурилган бир неча қаср ва масжидлар бор.



Султон Ҳасан ва Ал-Рифои масжидлари

Ал-Карнак ибодатхонаси

2 - савол-жавоблар варақаси

Иштирокчининг
исми-шарифи _____
Манзили _____

1. Юнон-рум тарихий обидаларини ўзида жамлаган, қайси шаҳар «Ўрта ер денгизи келинчаги» деб ҳам номланади?

а) Искандария
б) Луқсор
в) ал-Ғардақа

2. Миср Араб Республикасида шу аср ниҳоясида қайси тарихий сананинг 2000 йиллиги нишонланади?

а) Биби Марям ва унинг ўғли Исо пайғамбардан иборат «муқаддас оиланинг» Мисрга сафари.
б) Абу Сумбул ибодатхонаысининг қурилиши
в) Миср опера театри биносининг қурилиши

Эслатма: Савол ва жавоб варақалари қирқиб олиниб, жавобларнинг нотўғрилари ўчирилган ҳолда мусобақа якунигача ЙИҒИБ ЮРИЛАДИ, сўнг қуйидаги манзилга юборилади:
Тошкент - 700000 ГСП,
Матбуотчилар кўчаси, 32, 6 қават, 601-604 хоналар. Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси (мусобақага)

ДУШАНБА 26

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».

*

8.40 «Ўзлик». Бадиий публицистик кўрсатув.
9.10 «Оламга саёҳат».
9.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Афғон рубоби оҳанглари». Фильм-концерт.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.30 Кундузги сеанс: «Федерал полиция». Кўп қисмли бадиий фильм. 9-серия
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.30 «Оила». Тележурнал.
12.50-14.00 Н.Салоев «Тўмарис». Огаҳий номидаги Хоразм вилоят театрининг спектакли.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Шеър ва шуур».
18.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўзбекистон қоплонлари». Премьера.
18.35 «ТВ патруль».
18.45 «Зилол». Мусиқий дастур.
19.05 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Маърифатнома».
21.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.
22.20 «Ихлос». Озод Шарафиддинов.
23.20 «Ахборот».
23.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 41-қисм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», Мультомоша)
18.40 «Ёшларга мактуб».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Муғанний».
19.45 Хотира ва Қадрлаш кунига. «Аср фожиаси».
20.00, 20.30, 23.15.- Эълонлар.
20.05 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Клип-антракт».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Мусиқий лаҳзалар».
21.45 «Ватан посбонлари».
22.05 «Олам футболи».
22.25 «Шарқ эстрадаси».
22.40 «Спорт-китъаси».
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Ғурур ва бадғумонлик». 1-қисм. (Англия)
01.50 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25,19.55,20.25,21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Дорихона эшитади...».
22.10 «Талабларга биноан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Офисина» бари фирибгарлари». Телесериал.
23.35 «Тунги пойтахт»
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 Хайрли тун, шаҳрим!

4ТВ

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари»(инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Тенгдошлар».
17.20 «Қуйини топинг».
17.50 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Бремен созандалари». 2-серия.
18.05 «Уорлднет» янгиликлари.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 Душанба куни Познер билан. «Ниқобдаги киши» дастури.
18.55 Эдвард Радзинскийнинг 1-фильми.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Вақт хазинасидан».
21.45 «Замонавий дизайн».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: Либерманнинг «Титаник» фильми.1-серия.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 Тунги сеанс «Шимол ёғдуси остида» Бадиий фильм, 1 серия.
01.30 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА 27

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ракс—ҳаётим». Концерт.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 41-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Саҳна Чўлпонномаси». 1-кўрсатув
10.35 «Орзули олам бу».
10.50 Кундузги сеанс: «Фил йўқолди». Бадиий фильм.
12.05 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур.
12.35 «Мактублар кабутарлар».
13.00 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
14.10-14.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А.Қодирий. «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 7-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.20 «Сиҳат-саломатлик».
18.40 «Муҳаббат дарси».
19.05 «Иктисодиёт чорраҳаларида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Бангкоқда бир кун».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиклолим - истиқболим». Туризм.
21.25 «Барҳаёт наволар». Ҳабиба Охунова.
22.05 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-2 сериялар.
22.55 Теннис бўйича «Фьючерс» халқаро турнири.
23.20 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда–Хоразм вилояти.
23.50 «Ахборот».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».
Телесериал. 41-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Муғолаа».
19.50, 20.20, 23.15 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Технопарк-2000».
20.40 Сиз севган «Ҳўжа» гуруҳи.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Марду-майдон».
21.55 «Турфа олам».
22.10 «Мусиқий лаҳзалар».
22.20 «Агарда солиқчи келса?»
22.50 Хотира ва Қадрлаш кунига. «Аждодлар хотираси». Абу Райҳон Беруний.
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Ғурур ва бадғумонлик». 2-қисм.
01.50 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар.».
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ёшлар худуди».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Суҳбатдош».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Ҳиндистондан салом». Мусиқий тўплам.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 «Спорт оламида».
23.55 «Тунги пойтахт».
00.10 «Кинонигоҳ».
01.50 Тунги мусиқа.
02.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТВ

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00.
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Қуйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Рапанзел». 1-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Мавзу».
18.55 Эдвард Радзинскийнинг 2-фильми.
19.45 Ҳайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Аёллар сафари».
21.40 «ТВ-4» да «Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс «Титаник». 2-серия.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 Тунги сеанс «Шимол ёғдуси остида» Бадиий фильм, 2 серия.
01.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА 28

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Шайхонтоҳур».
8.50 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
9.30 Дуторчилар ансамблининг концерти.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 «Саҳна Чўлпонномаси». 2-кўрсатув.
11.00 «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.15 «Ёшликми ёки бебошлик?»
11.30 Ўзбек қуйларидан концерт.
12.05 «Эртаклар яхшиликка етаклар».
12.45 «Соғинчли салом».
13.10-14.00 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 1-2 сериялар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сени Ватан кутади».
18.35 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.00 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Парламент соати».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм.
22.10 «Баркамол авлод орзуси».
22.30 «Ҳаёт гули». Мусиқий дастур.
23.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 42-қисм.
23.55 «Ахборот».
00.25 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.55-01.00 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.0 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ўй вазифаси», «Билоғон маслаҳати», Мультомоша)
18.45 «Кафолат».
18.55 «Клип-антракт».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.35 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.10. Эълонлар.
20.35 «Рақслар қанотида».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Танишинг: Дилшод Шаметов».
21.50 «02» тўлқинида.
22.05 «Давр-интервью».
22.15 «Каталог».
22.25 «Саргузаштлар шамоли». Австрия.
22.45 «Хит-коллекция».
23.05 «Ёшлар» телеканалида.
23.15 Синема. «Тунги хотира». 1-қисм.
02.15 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 Болалар учун. «Ҳалфана».
18.25 «Глинка-44».
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25,19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Усто». Телелавҳа.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Кўзгу».Тележурнал.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Менинг Тошкентим». Муаллифлик кўрсатуви.
22.15 «Баҳовуддин Нақшбанди». Телефильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 «Тунги пойтахт»
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТВ

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.

15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».

16.00 «Севги йўлида». Сериал.

17.00 «ТВ-4 да Немис тўлқини».

17.15 «Маски-шоу».

17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Рапанзел». 2-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Инсон ва қонун».
18.55 Эдвард Радзинскийнинг 3-фильми.
19.45 «Ҳайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дил изҳори».
22.00 Вести».
22.30 «Оскар» мукофоти совриндорлари.1972 йил.
22.50 Кинематограф: «Француз алоқачиси».
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
01.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА 29

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Фавқулодда 20 дақиқа».
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 42-қисм.
10.00,12.00,14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 Япон тили.
10.25 «Саҳна Чўлпонномаси». 3-кўрсатув.
10.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
11.10 «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
11.40 Хотира ва Қадрлаш кунига. «Қалбимиз ардоғида».
12.05 Эстрада тароналари.
12.35 «Ажаб саодат эрур». Бадиий-публицистик кўрсатув.
12.55 «Тараққиёт йўли».
13.15-14.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 8-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Фарзанд-умид юлдузи».
18.25 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
18.45 «Дунё адабиёти».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.20 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Даврани кенгроқ олинг». Мусиқий дастур.
22.25 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-4 сериялар.
23.15 «Сомон йўли».
23.45 «Ахборот».
00.15 Волейбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 42-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 Хотира ва Қадрлаш кунига. «Қадрият: Алоуддин Мансур билан суҳбат».
20.00, 20.30, 23.05. Эълонлар.
20.05 «Рей Брэдбери театри» Телесериал.
20.35 «Мулоқот».
20.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Антиқа».
21.55 «Ёшлик формуласи».
22.10 «Клип-антракт».
22.20 «Санам».
22.40 «Мусиқий глобус».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.10 «Икки соҳил, икки тақдир». Бадиий фильм.
00.50 «Хайрли тун!»

ТТV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.15 «Дардингизга даво...».
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Ханда дўкони».
20.30 «Ахборот».
21.05 Дилрабо тароналар.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Жаҳон спорти».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 «Тунги пойтахт»
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ.
01.30 Хайрли тун, шаҳрим!

4ТВ

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дил изҳори».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Бу ажиб дунё».
17.15 «Қуйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ўрмон ажинаси». 1-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
Россия жамоат телевидениеси
18.10 Леонид Гайдайнинг «Нариги дунёдан келган қайлиқ» комедияси.
19.05 «Эслашлари учун...». Леонид Марков. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт-клуб».
21.45 «Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф: «Кутилмаган зарба». Бош ролда — Клинт Иствуд.
00.30 «Ахборот» (рус тилида) 00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 30

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Мус-ринг». Мусиқий дастур.
9.00 «Меҳр қолур».
9.20 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Нафосат». Тележурнал.
10.55 Кундузги сеанс: «Бу ранг-баранг олам». Бадиий фильм.
12.05 «Сомон йўли».
12.35 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
13.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 3-4 сериялар.
14.10 «Шарқ таронаси».
14.30-14.45 «Юрт ўғлонлари». Спорт дастури.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бешбармоқ».
18.30 «Ислоҳот ва масъулият».
18.50 «Кининг минг бир олами».
19.00 «Қонун ва биз».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.30 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назорат».
21.25. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.35 Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати олдидан.
22.55 «Олам қўшиқа тўлсин». Мусиқий дастур.
23.30 «Ахборот».
00.00-00.05 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Эркатой», Мультомоша)
18.35 «Ҳужжатли кино бисотидан».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Клип-антракт».
19.55, 20.25, 00.05. Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Спорт ҳафтаномаси».
20.45 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Талабалар шаҳарчаси».
22.05 «Кунгил наволари».
22.20 «Ҳуқуқ ва бурч».
22.35 «Даллол». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»).
23.45 «Шарқ оҳанглари».
24.00 «Ёшлар» телеканалида.
00.10 Синема. «Бир ошиқ изидан».
01.40 Мунаввар тонг истаб.

ТТV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Рақслар жилоси.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Спорт оламида».
11.30 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
12.00 «Кинонигоҳ».
13.40-14.05 «Ёшлар худуди».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.20 Мусиқий дақиқалар.
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Мусиқий мехмонхона».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Саодат калити».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Ракслар жилоси».
22.05 «Геннис-шоу».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 «Тунги пойтахт»
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Тунчироқ».
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТВ

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Спорт-клуб»
17.15 «Джентельмен-шоу.».
17.45 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Ўрмон ажинаси». 2-серия.
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Мерос».Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кининг олтин асри: «Нотрдамлик бўкр». Бадиий фильм.
00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 1

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».

«Умид» намойиш этади:

9.55 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.15 «Кўзгу».
10.40 «Қизиқарли учрашувлар».
10.55 «Азиз сиймолар». Сойиб Хўжаев.
11.15 «Тасвирга кўчган кўнгил».
11.35 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.10 Кундузги сеанс: «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм.
13.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» - «Пахтакор», «Самарқанд» — «Насаф».
14.26 «Келин-қуёв». Телешоу.
15.45 «Битик».
16.00 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатининг тантанали очилишидан репортаж.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 Болалар учун. «Фламинго».
18.25 «Иқтисод ва биз».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 , 21.55 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.30 Хотира ва Қадрлаш кунига. «Эъзоз».
22.00 Кураш бўйича I жаҳон чемпионати .
23.30 «Ахборот».
00.00 «Хамма кўриши шарт эмас». Мусиқий дам олиш дастури.

«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:

01.00 «Ошиқи беқарорлар» Бадиий фильм.1-серия.
02.20-02.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 41-қисм.
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
11.05 «Кинотақдим».
11.25 «Клип-антракт».
11.30 «Ракурс».
11.55 «Янги овоз»: Баҳодир Мамажонов.
12.10 «Рамаяна». Телесериал.
12.45 «Ватан посбонлари».
13.05 «Мусиқий лаҳзалар».
13.10 Хотира ва қадрлаш кунига. «Хотира майдони»
13.25 «Антиқа».
13.45 «Хушнуд онлар».
14.05 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
14.50 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
15.20 Синема.
16.40 «Хит-коллекция».
17.00 «Мафтункор чехралар».
17.20 «Янги авлод» студияси намойиш этади.(«Боланинг тили», Мультомоша)
17.55 «Ёшлар» телеканалида.
18.00 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатидан репортаж.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ширин орзулар».
19.50, 20.30, 23.25. Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Мусиқа теграсида».
21.50 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
22.10 «Сир».
22.30 «Эски альбомдан»
22.35 «Матбуот»
22.50 «Телевикторина».
23.00 «Сенинг вақтинг».
23.20 «Ёшлар» телеканалида.
23.30 Синема. «Якуний ташҳис».
01.20 «Хайрли тун!»

ТТV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 Болалар учун. «Ҳалфана».
9.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.30 «Муаллиф».
11.00 Болажонлар экрани.
12.30 «Янги ой чиққан кеча».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Дўстлик» видеоканали: «Умид», «Шафақ».
14.20 «Яхши кайфият».
14.50 «Спорт-тайм».
15.15-16.55 «Кинонигоҳ».
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.10 «Табиат шифохонаси».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
19.25,19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таянч».
20.15 Кураш бўйича жаҳон чемпионати кундалиги.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент оқшоми». Телешоу.
22.20 «Ер курраси».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.35 «Ҳазил қўшиқлар». Фильм-концерт.
23.55 Оҳанглар ва эълонлар.
00.05 «Кинонигоҳ».
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4ТВ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф. «Нотрдамлик бўкр». Бадиий фильм.
10.55 «Жонли сайёра».
11.10 -12.10 «Буржлар башорати».
17.00-18.35 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
18.35 Кўрсатувлар тартиби.
18.40 «Бинафша».
19.00 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатидан репортаж.
Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.35 «Биргаликда қуйлаймиз».
21.20 «Тасвир-99».
21.40 «Жонли тил».
22.10 «Дил изҳори».
22.20 Кинематограф: «Годзилла». Фантастик фильм.
00.20 «Клипомет»
01.00 «Ахборот» (рус тилида)
01.25 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 2

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғароийбот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.

«Умид» намойиш этади:

10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Билим- ринг».
11.40 «Нурли келажак».
12.00 «Шоҳруҳ» клуби.
12.30 «Хамма кўриши шарт эмас». Мусиқий дам олиш дастури.
13.30 «Аёл-оила зийнати».
13.45 Кундузги сеанс: «Ана Бумбо келди». Бадиий фильм.
15.00 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатидан репортаж.
18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Кишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Сеҳрли шуъла». Кинокўрсатув.
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 21.55 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Саньат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Телевизион миниатюралар театри.
22.00 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатининг финал учрашувлари ва тантанали ёпилишидан репортаж.
23.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.

«Аср мўъжизаси». Кинодастури.

23.35 Кино янгиликлари.
23.50 «Ошиқи беқарорлар» Бадиий фильм. 2-серия
00.55 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс.
01.10-01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Бизнес-академия».
10.10 «Кунгил наволари».
10.25 «Инглиз тили Сиз учун».
10.50 «Ёшлар» телеканалида.
10.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 42-қисм.
11.50 Баҳодир Раҳимов куйлайди».
12.05 «Лаззат».
12.25 «Рамаяна». Телесериал.
13.00 «Бари ҳазил».
13.15 «Баҳс».
13.40 «Клип-антракт».
13.50 «Цирк, цирк, цирк».
14.10 «Синфдош».
14.35 «Обид-шоу».
15.20 «Ўзбекистон қанотлари».
15.35 Синема.
17.05 «Наволарда аён этсам».

* * *

17.20 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Катта танаффус»)
17.21 «Ёшлар» телеканалида.
18.00 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатидан репортаж.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Бир жуфт қўшиқ».
19.45, 20.25, 23.20. Эълонлар
19.50 «Рамаяна». Телесериал.
20.30 «Дунё ҳафта ичида».
20.50 «Илк қадам». Даврон Эргашев.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Наврўз фантазияси».
22.35 «Тилсим»
22.55 «Миллионлар ўйини».
23.15 «Ёшлар» телеканалида.
23.25 Синема. «Даутфайр хоним». Комедия.
01.20 «Тонг юлдузи».

ТТV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Мультжумбоқ.
9.20 «Латифа».
9.40 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.25 «Камолат сари».
10.45 Алишер Навоий. «Искандар». Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрининг спектакли.
12.05 «Хусусийлаштириш : қадам - бақадам».
12.25 Болажонлар экрани.
14.00 «Етти иқлим оҳанглари».
14.10 «Бева Бланка». Телесериал.
14.55 «Хориж ҳангомаси».
15.15-16.55 «Такрорий фильмлар экрани».

* * *

17.55 «Якшанбадан якшанбагача».
18.10 «Ёрилтош».Мульттўплам.
18.20 «Спорткент».
18.35 «Ишдаги ишқ ёки...».
19.05 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Юртим жамоли».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 Кураш бўйича I жаҳон чемпионати кундалиги.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Даллас». Телесериал.
22.40 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 «Кинонигоҳ».
00.50 «Ҳайрли тун, шаҳрим!»

4ТВ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.25 «Парле ву франсэ?»
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 «Оскар» мукофоти совриндорлари.1972 йил.
11.20 Кинематограф: «Француз алокачиси».
13.05 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
13.15 -14.05 «Д

SPORT

Тошкент меҳмонларни чорламоқда

Бугун пойтахтимизга кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг дастлабки вакиллари келиши кутилмоқда. Хусусан, Россия кураш федерацияси президенти А. Кимсанов билан Халқаро кураш ассоциацияси котиби, польшалик М. Бигошевскийларни кутиб олиш мўлжалланган. Душанбадан бошлаб спортчиларнинг ташрифи бошланади. 30 апрелга қадар мусобақада иштирок этувчи қарийб 52 мамлакатнинг давлат байроғи ҳилпирай бошлайди.

Анъанага айланади

Бугун — Жисмоний тарбия ва спорт ходимлари куни нишонланади. Маълумки, инсон саломатлиги энг катта бойлик. Ёшларни жисмоний ва маънавий баркамоллиги соғлом авлодни шакллантиради. Ҳаракат — ҳаёт дейилиши ҳам шундан. Шунинг учун ҳам жисмоний тарбия ва спорт ходимлари кунини ўзига хос анъанага айланиши кутилмоқда. Мамлакатимиз шаҳар-қишлоқларида турли спорт тадбирлари, кўргазмали чиқишлар уюштирилади. Тошкентдаги «Олимпиа» шон-шуҳрати музейи атрофида оммавий югуришлар бўлади.

Пешқадамлар ўзгарди

Бугун биринчи лига футбол жамоалари ўртасида мамлакат чемпионатининг навбатдаги тур ўйинлари бўлади. 5- тур баҳсларида эса қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Хива» —«Машъал» — 3:1, «Орол» —«Қизилқум» — 0:2, «Роҳат» — «Ғазалкент» — 4:0, «Семурғ» — «Истиқлол» — 3:0, «Ситора» — «Кимёгар» — 0:3, МҲСК —«Сирғали» — 4:3, «Шўрчи» — «Тўқимачи» — 0:0, «Шўртан» — «Цементчи» — 4:1. «Косонсой» жамоасининг бу сафар дам олиши «Семурғ»ни 12 очко билан пешқадам бўлиб олишига имкон берди. «Кимёгар» ҳисобида 11 очко бор. «Косонсой» (10 очко) билан «Кимёгар» ҳозирча мағлубиятсиз ўйнашмоқда. МҲСК ҳисобида ҳам 10 та очко тўпланган.

«Тошкентдан гапирамиз»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом иккинчи жаҳон уруши йиллари радионинг етакчи сухандони бўлиб ишлаганлигини ҳозирги авлоднинг кўпчилиги билмаса керак.

Сухандонликнинг маҳоратини астойдил эгаллаган Ҳамид аканинг олдига тушадиган деярли йўқ эди ўша маҳаллар. У ҳар бир эшиттириш, ҳар бир ахборотни ўқишга пухта тайёргарлик кўрар, қайси воқеани тингловчига қай йўсинда етказиш, қайси иборага урғу беришу, қайси жойда овозни пасайтириб, қалбларнинг энг чуқур еридаги нозик торларини чертиб ўтиш заруратига эътибор берар, шу билан бирга беқиёс қаҳрамонликлар кўрсатиб, жанг қилаётган миллатдошларимизга нисбатан оташин муҳаббат уйғота билишнинг жуда-жуда ҳавосини олган эди. Унинг овозидаги ўзига хос нафосат, жозиба ҳатто жонсиз вужудга ҳам руҳ бағишлаётгандай туюлган сеҳрли қудрат Оллоҳ таолонинг унгагина эҳсон қилган бебаҳо туҳфасига ўхшарди.

Сўз қудрати

Айниқса, уруш тугаганлиги тўғрисидаги баёнотни қанчалик маҳорат, бетакрор нафосат билан ўқилганлиги шу кечакундуздаги кексаларнинг кўпчилиги эслаб юрса, ажабмас. Дарҳақиқат, тўрт йил уруш азобини тортиб, деярли аждаҳо домида жонини ҳовучлаб умр кечирганлар ниҳоят озодликка чиққанларини астойдил ҳис қилган, қоронғу дилларга ниҳоят чироғ ёқилиб, нурафшонликка тўлган кунни унутиб бўлармиди?!

Ғалабани қутловчи тантанавор қўйлар, қўшиқлар тинмай бутун шаҳар узра кезади. Ажойиб хонишлари билан эл олқишига сазовор хонандалар, халқ ҳофизларининг чиқишлари бир зум тинмайди, шоирлар кетма-кет шеърлар ўқийди. Фақат расмий хабардан дарак йўқ. Радио ходимлари ҳам Москвадан келадиган махсус матнни бесабр кутишарди. Шу алпозда кеч киради. Кўчадаги оломон эса тарқай демайди. Трамвайлар ҳам иш соатлари тугаб, қўналғаларига бориб, дам олиш ўрнига қаерда тўхтаган бўлсалар, ўша жойда тўхтаб қолганлар. Ҳайдовчилари, чипта сотувчиларигача оломонга қўшилиб, қандай бўлмасин радио карнайи остига яқинроқ боришга уринишар, тиқилишарди. Бир-бирларидан соат неча бўлганини суриштиришади, «Сўнгги ахборот» нима учун бунчалик кечикаётганининг сабабини сўрашади. Радиодан берилаётган концерт эса тугай демайди. Вақт ярим кечага яқинлашгандагина қандайдир қувноқ мусиқа айнан авж пардага кўтарилган маҳал белидан шартта бўлинади-да, унинг ўрнини юракни толиқтирувчи дириллаган бўғиқ товуш эгаллайди. Кўп ўтмай яна ҳалиги мусиқа давом этади. Бироқ тағин узилиш... яна тиқир-тиқир, ғир-ғир этган товушлар эшитилиб, барчанинг жиғига тега бошлайди. Кутилмаганда «шилқ» этган ҳаммага таниш сас-садо диққатни тортади. Микрафон очилди чоғи. Ва ниҳоят мўъжиза юз бергандай туюлади-ю, бирдан «Диққат, Тошкентдан гапирамиз!» деган мингминглаб радио эшитувчиларга қадрдон овоз янграб, аллақандай илоҳий кучдай таъсир қилади ҳаммага. Яна сукунат... Ярим дақиқалик нафасни ростлашдан сўнг ҳалиги овоз яна бир парда юқорироқ авж касб этиб, ҳаддан зиёд ўзгача жозибадорлик билан аъзойи баданингда тотли ҳаяжон уйғотар даражада қайта жаранглайди: «Диққат... Диққат қилингиз, Тошкентдан гапирамиз!»

Ҳамид ака илгарилари ҳам тингловчиларнинг диққатини дафъатан ўзига тортиб олиш мақсадида бирон муҳим ахборот, қувончли ҳодиса ёхуд буйруқ, фармойишларни эълон қилиш олдидан мурожаат замзамасини шундай такрорий ифода этиш одати бор эди, албатта. Бироқ нутқининг ҳар жумласидан кейин алоҳида маънога эга бўлган, сирли узилиш усулини биринчи марта қўллаши эди. Бу билан атайин тингловчининг юрагида андак ҳовлиқиш ҳиссиёти уйғотиш, қалбини така-пукага солиш, ҳаяжонлантириш ниятида эканлигини сезиб олиш қийин эмасди. Ниҳоят у айни муддаога ўтади: «Уруш тамом бўлди, ўртоқлар!»

Барча учун худди ана шу керак эди. Шу қисқагина ва жуда-жуда соғиниб, кўпдан бери интизор кутилган жумла янграгандан сўнг бутун борлиқ ҳаяжонли зафар салютидай гумбурлаб кетгандай бўлади. Одамларнинг ички дунёсидан вулқон янглиғ отилиб чиққан «ураа-ура» садолари, «хайрият, хайрият, ё парвардигорим, шу кунларга етказганингга минг қатла шукр!» деган нидолари, таниш-нотанишлар бир-бирларининг қучоқларига отилишлари, севинчдан қалқиган кўзлардаги ёш, шодиёна бақириқчақириқлар, ҳўнграб йиғлашларни тасвирлашга сўз етмас эди.

Чунки умр абадий эмас, фақат хотирагина абадий. Шунинг учун халқ хоҳиши, Президентимиз Фармони билан 9 май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди.

Жонрид АБДУЛЛАХОНОВ

Таҳририятдан: *Биз фурсатдан фойдаланиб севимли адиб Жонрид Абдуллахоновни табаррук 70 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаймиз. Қадрли ёзувчимизга саломатлик, узоқ умр, ижодий куч-ғайрат тилаймиз.*

***

Суратда: Ҳамид Ғулом (чапда) эфирга чиқиш олдидан.

Кулгу — умр зийнати

— Уйлансанг бахт нима эканини билиб оласан, — деди ота ўғлига насиҳатомуз. — Фақат унда кеч бўлади.

* * *

— Бир соатча олдин номаълум кимса менинг тилла соатимни ечиб кетди.

— Нега дарҳол «Милиция», — деб бақирмадингиз?

— Оғзимни очишга қўрқдим, тилла тишим бор.

* * *

Ҳамшира ҳамма ёғи бинт билан ўралган беморни кўрсатиб сўради:

— Бу ўша мотоцикл уриб юборган боксчими?

— Йўқ, мотоциклчи.

* * *

— Дўхтир, айтингчи, энг охирида қайси тиш чиқади?

— Тилла тиш.

* * *

— Ойижон, бугун бизга ёзишни ўргатди.

— Нималарни ёздинглар?

— Билмадим, ҳали ўқишни ўргатмади.

* * *

«Тез ёрдам»даги танишига бир эркак қўнғироқ қилди:

— Дўхтир, хотиним кўричак бўлиб қолди.

— Тушунмадим, ахир ўтган йили олиб ташлаган эдим-ку.

— Тўғри, лекин иккинчи хотиним ҳам бўлиши мумкин-ку.

* * *

Икки дугонанинг суҳбатидан:

— Биласанми, мен сенинг ўрнингда бўлганимда Иванга турмушга чиққан бўлардим. Чунки у нима деяётганини, нима хоҳлаётганини билади...

— Йўқ, мен Петрга чиққаним яхши. Боиси, у мен нима хоҳлаётганимни билади.

* * *

— Эски, йиртиқ кастюмингни ташлаб юбордим, — деди хотин ишдан келган эрига.

— Эсинг жойидами, солиқ инспекциясига нима кийиб бораман энди.

Зулфия ҚЎЧҚОРОВА тайёрлади.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Юсуф ЖЎРАЕВ, навбатчи Фаррух ҲАМРОЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004. Газета офсет усулида, А—2 форматида, 24.045 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г —0265

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.25
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

АШ

«Ўзавтотеххизмат» акциядорлик бирлашмаси

Ўзбекистонимизда «Автотеххизмат» ташкил топганлигининг ўттиз йиллиги билан тармоқнинг барча ишчи ва хизматчиларини чин қалбдан муборакбод этади.

Автомобиль саноати — мустақиллик шарофати-ла жаҳонда автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторидан ўрин олган ҳур она-Ватанимизнинг келажак йўлидаги шарафли одимидир. Асакада «ЎзДЭУ» акциядорлик жамияти ишлаб чиқараётган «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари халқимиз узоғини яқин қилмоқда. Ўзимизнинг чинакам ардоқли тулпорларимизга айланмоқда.



«Ўзавтотеххизмат» мижозлар ва харидорларга энг юксак сифатли техника хизмати кўрсатишни кафолатлайди ва улуғ мустақиллигимиз йўлида садоқат билан меҳнат қилаверади.



Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55